


Дин - насиҳатдир



14:13 / 21.02.2018 4512

Шайх Абулҳасан Надавий роҳматуллоҳи алайҳи Саудия қироли шоҳ Файсал роҳматуллоҳи алайҳининг ҳузурига кирди. Учрашувга кирар экан қасрнинг гўзаллигига синчиклик билан боқди. Сўнгра деди:

“Бизнинг Ҳинд диёрида тарихда бир подшоҳ ўтган. У ўз замонасининг энг одил подшоҳларидан эди. Биргина таҳажжуд эмас, ҳатто аср намози суннати ҳам қазо қилмаган эди. Бутун бир мамлакатнинг подшоҳи бўлса ҳам, ўзи ва оиласи учун салтанат хазинасидан бир чақа ҳам олмас эди. Тирикчилигини маҳсидўзлик қилиб ўтказар эди. Қаранг, у шоҳнинг замонида мамлакатдаги барча инсонлар тўкинчиликда яшашар, шоҳ эса фақирона умр кечирар эди. Бугунги кунимизда шоҳлар тўкин-сокинчиликда яшашмоқда, фуқаролар эса қийинчиликда; шоҳлар қасрларда яшашмоқда, фуқаролар эса кўча-куйда сарсон...”.

Шоҳ Файсал роҳматуллоҳи алайҳининг кўзларидан ёш оқар эди. Шоҳ шайх роҳматуллоҳи алайҳига деди: «У шоҳларнинг сизга ўхшаган насиҳатгўй дўстлари бор эди, бизда эса йўқ... Сизда илтимосим, менинг олдимга тез-тез келиб тулинг».

Аллоҳим, салафларимизни Ўзинг раҳматинга ол! Халафларимизни Ўзинг ўнгла!

Муҳаммад Одил